

# YOSHLAR OVOZI

## АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ҚАҲРАМОНЛИГИ ХОТИРАМИЗДА МАНГУ ҚОЛАЖАК

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI

### ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юрдашлар!  
Мухтарам фахрийлар!  
Хурматли меҳмонлар!  
Бугун жондоқ Ватанимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 73 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ана шу кунда айём билан сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тиллақларини билдираман.

**Сиз, азизларни биз фашизмга қарши мардона курашган, буюк Ғалаба бекиёс ҳисса қўшган, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, деб биламиз ва сизлар билан чексиз фахрланамиз.**

Сизларнинг бугун орамизда мана шундай нуруний бўлиб, дуоғу бўлиб юришларингиз биз учун, албатта, катта бахт, катта давлатлар.

Ҳаммамизга аёнки, бу дунёда тинчлик ва омонлик, бахту саодат барқарор бўлиши учун инсон ўзини ямаздан кураш олиб бориши, фидокорона меҳнат қилиши керак. Сизларнинг юксак жасорат ва матонатингиз, бугун ҳаётингиз бунга яққол мисол бўла олади.

Бугун фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг сунмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш – биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортита меҳнат қилиб, бугун ҳаётингизга фазил бағишлаган юртим мухтарам фахрийларимиз олдига барчанамиз бosh эгиб таямиз қиламиз.

Айни вақтда мустақил Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимизнинг номларини ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз. Уларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни ўзининг муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Азиз ва мухтарам дўстлар!  
Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг дахшатли, энг қонли қирғин бўлган эди. Бу уруш халқимиз бошига қандай оғир азоб-уқубат ва талафотлар, беҳисоб қурбонлар келтирилганини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Албатта, бу ҳақда жуда кўп гапирishi мумкин. Рухсатингиз билан, мен, тақдир бўлса ҳам, фақат баъзи мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёд фронтга сафарбар этилган. Бу ўша пайтадаги халқимизнинг 22 фоизини, меҳнатга яроқли аҳолининг эса 40-42 фоизини ташкил этарди.

Меҳрибон ота-онанин, азиз фарзандлари, табарруқ она юрт туғруғини ҳимоя қилишга отланган бу бошир инсонлар кечю кунду қон кечиб, Москвадан то Берлинга қадар бўлган оловли йўллари қаҳрамонларча босиб ўтдилар.

Урушда ўзбекистонлик жангчилардан 500 мингдан кўпроғи – фронтга сафарбар этилганларнинг ҳар учтасидан бири ҳалок бўлиб, 60 мингдан ортиқ ҳамюртимиз ноғирон бўлиб қайтди.

Бу ёвуз уруш тўғрисида қанча-қанча оилалар ўз боқувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб қолди. Ўз жабранданан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидagi алдам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиз.

Эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапирар эканмиз, қуйидаги рақамларга алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман. **Урушда қатнашган 120 мингдан ортиқ Ўзбекистон фарзанди жанговар ордан ва медалларга сазовор бўлган. Уларнинг 280 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, 82 нафари эса учала даражадаги “Слава” ордени билан мукофотланган.**

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтининг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳа-

га мослаштириди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди.

Ўлкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларини ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат қилдилар.

Уруш даврида халқимиз томонидан фронтга 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғ, юзлаб ҳарбий-санитария поездалари, дала ошхоналари, палаткалар, жуда катта миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон меҳнатқашлари тўплаган маблағлар ҳисобидан ўнлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди.

1941-1945 йилларида мамлакатимиз собиқ Иттифоқ мекёсидаги улкан госпиталга айланди. Бу ерда минг-минглаб жангчилар даволаниб, уруш ва меҳнат фронтларига қайтилди.

Ўша сурони йиллар ҳақида гапирганда, халқимизнинг олижаноб гуманистик фазилатлари тўғрисида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб сўз юритсак, арзийди, албатта.

**Ўзбекистон уруш тўғрисида ушбу ота-онани ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳузуридан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек кутиб олади. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларини ўз тарбиясига олди. Охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.**

Тошкентлик темирчин Шоаҳмад Шоаҳмадулов хондонани ана шундай оилалардан бири эди.

Баҳри ая ва Шоаҳмад ота 14 нафар оқ-юнг, етим болани ўз тарбиясига олиб, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатдилар.

**Халқимизга хос ана шундай буюк инсонпарварлик юксак маънавий жасорат намунаси сифатида бугун дунёда эътироф этилди.**

Кейинги пайтада жамоатчилигимиз томонидан билдирилган кўплаб муносабатларни ҳисобга олиб, биз Шоаҳмад Шоаҳмадулов оиласига қўйилган ҳайкални Тошкент шаҳри марказидаги аввалги жойига қайтаришга қарор қилдик.

Ушбу ёдгорлик ёнида жойлашган марказий кўчалардан бири-га Шоаҳмад Шоаҳмадулов номи берилди. Шунингдек, ҳайкал ўрнатилган майдон, шу ҳудуддаги метро станцияси, санъат саройининг “Халқлар дўстлиги” деган аввалги номи қайта тикланди.

Албатта, бундай қарор чуқур асосга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари дўстлик, ўзаро ҳурмат муҳитида тинч-тотув яшамокда.

Ишончим комил, Ўзбекистон пойтахти марказида қайта тикланган мажмуа азалдан халқимизга хос бўлган, тобора мустаҳкамланиб бораётган бағрикенглик ва ҳамжихатлик, саховат ва оlijаноблик фазилатларининг ёрқин тимсоли бўлиб қолади.

Азиз дўстлар!  
Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида кўплаб илмий ва бадий асарлар яратилганини, албатта, миннатдорлик билан таъкидлашимиз.

Шу билан бирга, эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида таъкидлашимиз керак, десак, бу ҳам адолатлик бўлади.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир таъкид билан мурожаат қилоқчиман. Бу дахшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиб, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида мукаммал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишни, ўйлайманки, вақти соати келди.

Ҳақиқатан ҳам, унинг-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм баалосига қарши курашда жасур аждодаларимиз кўрсатган мар-

лик ва матонатни асло ёлдан чиқармаслиги керак. Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий гуруҳ ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этидилар, деб ишонаман.

Қадри юртошлар!  
Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, барча вилоят ва туманларда эл-юртимиз Хотира майдонларини зиёрат қилиб, урушда ҳалок бўлган ватандошларимизни ёд этишмоқда. Мухтарам фахрийларимиз билан самийий учрашувлар ўтказилиб, уларга муқофотлар, эсаалик совғалари топширилмоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, кексаларимиз, мўтабар отахон ва онахонларимизни рози қилсак, бугун халқимиз, жамиятимиз биздан рози бўлади. Уларнинг табарруқ дуолари – бу, аввало, эл-юртимизнинг дуоси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман – кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминоти, тиббий хизматдан фойдаланиши, маънавий шароитларини яхшилаш, ҳурматли фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эъзозлаш ва ардоқлаш бундан буюн ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Албатта, мана шу кундаги байрам кунларида, ям-яшил табиат бағрида, мусофро осмон остида туриб, ҳар биримиз тинч ва озода ҳаётини кўрагани, аҳамиятини янада чуқур ҳис этишмоқчимиз.

Лекин, минг афсуски, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари кўпайиб бормокда. Бу ҳам айни ҳақиқат. Шундай мураккаб даврда тинчлик учун кураш чиндан ҳам энг долзарб вазифага айланмоқда.

Шунинг учун биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларини кучайтирмоқчимиз. Айниқса, минтақамизда дўстлик ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлаш буюнча катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум. Жумладан, жафокаш Афғонистон заминидан салкам 40 йилдан буюн давом этаётган можарони тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббусларимиз халқро ҳамжамят томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Минтақамиздаги тинчлик ва тарққийёт барчанамизнинг биргаликдаги сая-ҳаракатларимизга боғлиқ. Шу маънода, бугун Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлик таъминоти асосида “Талабалар театр студиялари” кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон уюмчаси ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларидаги талабалар театр-студиялари қатнашди.

Иштирокчилар таниқли адабларнинг асарлари асосида сахналаштирилган спектакллари намойиш этди. Жамоалар чиқиши саҳна маданияти, ижро маҳорати, мавзунинг долзарблигига қараб баҳоланди.

Натижаларга қўра, Бухоро давлат университети “Фитрат” театр студиясининг “Виждон азоби” сўна асари фойли топимиз, фестивалнинг республика босқичи йўланмасига эга бўлди. Шунингдек, йигит-қизлар “Энг яхши аёл ижроси учун”, “Энг яхши эркак ижроси учун”, “Энг яхши студия раҳбари” номинациялари бўйича ҳам тақдирланди.

Ҳаммангизга сийдат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Дунёдаги энг катта бахт – фарзандлар, набираларнинг бахту камолини кўриш барчангизга насиб этсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Осмонимиз доимо мусоффо бўлсин!



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-ижтимоий таъминоти, тиббий хизматдан фойдаланиши, маънавий шароитларини яхшилаш, ҳурматли фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эъзозлаш ва ардоқлаш бундан буюн ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Давлатимиз томонидан кекса авлод, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини фронторти хизматчиларининг кўнгилни кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўлайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 16 апрелдаги “Иккинчи

жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарориди уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида жон фидо қилган юрдашларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табрикомаси, 5 миллион сўмдан пул муқофоти ва байрам совғалари тантанали равишда топширилади. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон

Республикаси Маданият, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Бадий академия, Маънавият ва маърифат маркази, “Нуруний” жамғармаси ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар келган.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди.

Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юрдашларимиз хотирасига

ҳурмат бажо келтирди – ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Мотамсаро она ҳайкали турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан қўйилган гулларга бурканди.

Шу кунги Тошкент шаҳридаги Ботаника боғида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ва меҳнат фахрийлари таъкиф этилди.

Боғ байрамона безатилаган. Саҳна ортидаги улкан монитorda қаҳрамонликнинг уруш даврида кўрсатган матонати ва жасорати, ёвқур ўғлонларнинг мислсиз қаҳрамонликлари акс этган лавҳалар намойиш қилинди. Мардлик, озода Ватан, тинчлик тараннум этилган шiorлардан юраклар жунбўшга келди.

Боғ ичидаги майдонда уруш йилларидаги муҳит акс этган. Қўмондонлик штиби, окоп ва блиндажлар, тиббиёт пункти, дала ошхонаси қўрилган, Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳарбий техника, қурол-аслаҳа намуналари жойлаштирилган.

Жанг майдонларида аскарларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, урушдан қайтмаган минглаб юрдашларимизнинг муқаддас хотираси, фронторти меҳнат фаолияти акс этган.

Ўзбекистон Қуроли Кўчалари Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросида мусика янгради.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарсақлар билан кўриб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)

### BELLASHUV САҲНАДА ТАЛАБАЛАР

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида “Ёшлар — келажак бунёдкори” шiori остида “Талабалар театр студиялари” кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон уюмчаси ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларидаги талабалар театр-студиялари қатнашди.

Иштирокчилар таниқли адабларнинг асарлари асосида сахналаштирилган спектакллари намойиш этди. Жамоалар чиқиши саҳна маданияти, ижро маҳорати, мавзунинг долзарблигига қараб баҳоланди.

Натижаларга қўра, Бухоро давлат университети “Фитрат” театр студиясининг “Виждон азоби” сўна асари фойли топимиз, фестивалнинг республика босқичи йўланмасига эга бўлди. Шунингдек, йигит-қизлар “Энг яхши аёл ижроси учун”, “Энг яхши эркак ижроси учун”, “Энг яхши студия раҳбари” номинациялари бўйича ҳам тақдирланди.

Ҳаммангизга сийдат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Дунёдаги энг катта бахт – фарзандлар, набираларнинг бахту камолини кўриш барчангизга насиб этсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Осмонимиз доимо мусоффо бўлсин!

### САМОВИЙ МУТАФАККИРНИ ЁД ЭТИБ...

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов катта истеод эгаси бўлган. У ҳақида гап борганда, ижодкор яратган образлар, воқеялар, “Жамила”, “Сарвқомат дилбарини”, “Бўтақўз”, “Биринчи муаллим”, “Аввало, Гулсарини”, “Оқ кема”, “Соҳил ёқалбоқ чапайган олапар”, “Қиёмат”, “Қасансара тамгаси” каби асарлар биринчи ёдидимизга тушади. Ва, шунда биз, адабиётнинг ҳақиқий кўнги, ижоднинг сеҳрига лоқ қолмасдан ўзга чора тополмаймиз. Чунки бу куч, бу сеҳр дунёни бирлаштиради, миллатларни миллатларга тилақдош қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 апрелдаги «Буюк адаб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов тавалуудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ҳам шундай эзгу ишларга, Ўзбекистон – Қирғизистон давлатларининг ўзаро дўстлик, маданият-маърифий ва адабий алоқаларини янада мустаҳкамлашга кенг имконият яратиб берди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодида бағишланиб ўтказилган тадбир бунга яна бир ёрқин мисолдир.

Атоқли адаб мухлислари

жам бўлган тадбирда Чингиз Айтматов қолдирган адабий мерос халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

– Мен Чингиз Айтматовдек улуг инсоннинг асарларини таржима қилиш ва у билан суҳбат қилиш бахтга муяссар бўлганидан хурсандман, – деди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби И.Гафуров. – «Қиёмат», «Қулаётган тоғлар» романи, «Чингизхоннинг оқ булутлари» қиссасини таржима қилдим.

Ўнинг асарларидаги мавзулар умумаҳамиятга эга бўлганини жуда юқори баҳолайман. Асарларидаги муҳаббат мавзусини айтмайсизми?! Қандай улуг ва сеҳрли туйғуни қаҳрамонлар ҳаётига сингдири олдани-чи? Бунинг мен фақат ижодкорлик, фақат санъаткорлик дегим келди. Жаҳон адабиётини Чингиз Айтматовгагина «Самовий мутафаккир» деган таъриф берилган. Бу у кутарган мавзулар само билан тенглашган масалалар эканидан далолатдир.

Шеърини чиқишлар, саҳна кўринишлари, куй ва қўшиқлар тадбирга янада кутаринкилик бағишланди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,  
Ўза мухбири

## БИР НУРКИ, ҚАЛБИ МУНАВВАР ЭТГАЙ

### АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ҚАҲРАМОНЛИГИ ХОТИРАМИЗДА МАНГУ ҚОЛАЖАК



(Бошланиши 1-саҳифада)

Чорлов мусиқаси янграйди. Президент Шавкат Мирзиёев минбарга таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилганларни, бутун халқимизни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 73 йиллиги муносабати билан табриқлади.

Жангғўларда мардик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бутун ҳаётимизга фазил бағишлаб юрган фахрийларимиз олдига барчамиз бош эгиб таъзим қилишимиз, айна вақтда Ватанимиз озодлиги, эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган жасур юртдошларимизнинг номларини ҳам ҳурмат-эҳтиром билан эста олиш, уларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб билишимиз заруриятини таъкидлади.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар умрига зомин бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Унда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлган, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолгани ҳисобга олинмаган бўлса, бу ғалаба халқимиз учун нақадар қимматга тушгани яққол намоён бўлади.

Халқимизнинг уруш йилларидаги чинакам матонат ва жасорати бутун инсоният учун ибратдир. Ўзбек халқи жанг майдонларидан юртимизга эвакуация қилинган бир миллионга яқин кишига ўз уйдан жой берди. Улар орасидаги 200 миң болани юзлаб ўзбек оилалари «Сен етим эмассан», деб ўз панояҳига олган, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, каттақўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай нисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хотира ва қадрлаш куни нишонланаётган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонида тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласи хотирасига ҳурмат сифатида барпо этилган ҳайкал қайта ўрнатилгани ва бағрикенгликнинг намунаси.

Шунингдек, генерал Собир Раҳимов ҳайкали Тошкент шаҳри Олмазор тумани ҳокимлиги қаршидаги эски ўрнига қайтарилгани 1941-1945 йилларда Иккинчи жаҳон

батли бўлиш халқингизга хос юксак фазилатлар. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида бугунги тинч-осойишта, бахтли-саодатли кунларни таъминлашга ҳисса қўшган фахрийларнинг ҳурматини жойига қўйиш ва ҳаётини мазмунан бойитиш йўлидаги бу ҳаракатлар таҳсинга лойиқ.

Байрам дастурда атоқли шоир ва санъаткорларимизнинг шеър ва қўшиқларига кенг ўрин берилгани Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятига мос тушган. Ҳамид Олимжоннинг «Фашизм балоси», Зулфиянинг «Жангга кетган ўйилга», Фағур Гуломнинг «Сен етим эмассан» шеърларининг муаллифлардан ёзиб олинган парчалари эшиттирилганда, қалблар ларзага келди.

...Камтарнинг «Фронтдан хат», Ҳабибнинг «Кургум келур», Фағур Гуломнинг «Ригит омон бўлса», Константин Симононинг «Жди меня», Яков Глазковскийнинг «Синий платочек» шеърларига басталган қўшиқлар янгради.

Концерт ҳарбий оркестр ва миллий ижрочилар иштирокида давом этди.

Уруш тугаб, ғалабага эришилгани ҳақида Юрий Левитан эълон қилади.

73 йил олдинги бу кунонч, сурур яна бир бор тадбир иштирокчиларини ҳаяжонга солди.

— Биз бахтли авлодмиз — шундай тинч-осойишта мамлакатда яшаймиз, — дейди Тошкент темир йўл



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Матназар ЭШМУРОДОВ, УЗА МУХИРЛАРИ

миз ҳамиша тинч, халқимиз омон бўлсин!

Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган лавҳалар ўтади.

...Ўзбекистон санъат арбоби Туроб Туланнинг «Она монолоғи» янграйди.

Машҳур суҳбатчи Юрий Левитаннинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълонини ўқиган овози янграйди. Йигитлар Ватан ҳимоясига отланади. Мониторда Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвирланади.

Бу йилги Хотира ва қадрлаш куни тадбирларида Иккинчи жаҳон урушида халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги йўлида ўз жонини фидо қилган боболаримизни хотирлаш, бутун орамизда бўлган фахрийларимизнинг кўнгилни кўтариш, умрига умр қўшишдек олижаноб мақсада кўзланган. Зеро, уларнинг қаҳрамонлиги қалбларимизга фахр туйғусини бағишлайди.

— Бугунги тадбир юртингизда фахрийларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди, — дейди Америка Қўшма Штатларнинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Памела Спратлен хоним. — Байрамга Ўзбекистоннинг барча ҳудудидан нурунийлар таклиф этилган, ҳарбий либос кийган йигит-қизлар уларга хизмат кўрсатмоқда. Кексаларга иззат-ҳурматли, меҳр-оқиб



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Матназар ЭШМУРОДОВ, УЗА МУХИРЛАРИ

### НОКИМНИНГ БИР КУНИ

## РАҲБАРЛИК — МАСЪУЛИЯТ ДЕГАНИ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Ҳоким бўлиш осонми? Бу саволга ҳар ким турлича жавоб беради. Кимдир уларни ҳодимларига иш буюриб, ўзлари муздеккина хонада қаҳва ичиб ўтиради, деб ўйласа, баъзилар асаларидек тиним билмайди, деб ҳисоблайди. Чунки ҳамма ҳам бу ҳақида маълумотга эга эмас. Аслида эса қандай? Бу саволга Яшнобод тумани ҳокими Дилмурод Турдиев билан кун давомида бирга юриб, жавоб изладик.

### ОБОД МАСКАН БЎЙЛАБ



— Ишни саҳарлаб кўчаларни пиёда сайр қилишдан бошлайман, — дейди Д.Турдиев. — Бу соғлиқ учун ҳам кони фойда. Қолаверса, туманда бўлаётган ишлар, қурилиш объектлари, аҳоли турар жойларини ҳам кўздан кечириш. Олпоқ тонгда камчиликлар тезда кўзга ташланади.

Кўча бўйидаги гулларга тикилиб, майсалар орасига кириб кўраётган ҳоким бод-бод «Ободонлаштириш» бошқармасига кўнғирок қилади. Бир жойда майса устани, бошқасида ахлат, гулларни сўғориш керак эканини айтиб, тамирланаётган биналарга ҳам бир-бир кўз ташлайди.

Буни кўриб қадим замонларда ҳукмдорларнинг юпун кийимида шаҳар кезгани ҳақидаги ҳикоялар бежиз эмас, деган хаёлга борасан, киши. «Мўйноқ» кўчасидан ўтаётганимизда ҳоким катта йўлнинг бўйига қуриб олинган дўконга эътиборини қаратади.

— Буни қаранг, мана шу дўкон кеча йўқ эди — дея бош чайқади ҳоким. — Баъзи тадбиркорлар ҳеч қандай хат-ҳужжатсиз, ўзбошимчалик билан иш бошлашган. Олиб ташланганда сўнг, тадбиркорга кун йўқми, дея тўс-тўполон кўтаради. Кошки, уни қатновга ҳалал беришини тушунтира олсангиз. Мана бу ерда «Замонавий маҳалла» намунавий лойиҳаси асосида гузар қурилиши

керак эди. Бироқ тадбиркор объектини бошлади, давом эттирмади.

«Мўйноқ» кўчасидан тўғри ўтиб, «Олмос» маҳалласига йўл олдик. Яқинда фойдаланишга топширилган ҳарбийлар шаҳарчасини кўздан кечирдик. У ерда ўн саккизта кўп қаватли уй саккиз ойда қад кўтарган. Аҳоли эҳтиёжини қондириш учун мактаб, савдо ва хизмат кўрсатувчи бошқа шохобчалар қурилиши режалаштирилмоқда. Кўккаламзорлаштирилган гўша, кейинчалик бундан-да чирой очили турган гап. Ҳозир ушбу хонадонларга оилалар кўчириб ўтказилляпти. Уларнинг қувончи чексиз.



Пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларида Яшнобод тумани ҳам четда қолмаган. Тошкент шаҳар бўйлаб қурилаётган, Марказий Осиёда ягона бўлган ер усти метроси, айнан шу ҳудуддан бошланади. У ерда айнаи дамда қурилиш ишлари қизғин.

Туман ҳокими «Олмос»-дан йўл қурилиши штаби томон йўл олди. Бу ерда лойиҳа бўйича ҳокимиятга юклатилган вазифаларни тинглаш, тезда ишга киришишни билдириди. Лойиҳа бўйича бузилиши керак бўлган тадбиркорлик объектлари эгалари билан сўхбатлашишга ваъда берди.

Штаб аъзоларига қурилиш ишлари аҳолининг кундалик турмушига зиён келтирмас

лигини ўқтирди. Халқнинг норозилигига сабаб бўлаётган камчиликлар ҳусусида сўз юритди. Йиғилишда кундалик иш режалари қатъий белгилаб олинди.

### БИРИНГИЗ ОТАМ, БИРИНГИЗ ОНАМСИЗ

Ҳокимнинг айтишича, 2021 йил қуриб битказилиши режалаштирилган ер усти метроси лойиҳаси бўйича тумандаги баъзи тадбиркорлик объектлари кўчирилиши зарур экан. Раҳбар ушбу жойларнинг эгалари билан сўхбатлашди. Аввало, лойиҳанинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳоли учун яратадиган қулайликлари ҳақида сўзлади. Уларнинг «Биз — эркин фуқароимиз. Ўз маблағимизга иш бошлаганимиз. Нега жойимизни тортиб оламиз?» деган саволга жавоб берди. Ҳеч бир тадбиркор кўчада қолмаслиги, истаган бўш ҳудудда фаолиятини давом эттириши учун шароит яратилишини тушунтирди. Ҳоким сўзининг охирида шундай деди: «Барчангиз жигарим — бирингиз онам, бирингиз отам бўласиз. Сиз учун фақат яхшиликни қўзлайман...»

Тадбиркорлар Дилмурод Турдиевнинг сўзларини тинглаганидан сўнг улардаги норозилик кайфиятидан асар ҳам қолмади.

### ДИПЛОМАТ БЎЛМАСАНГ НАТИЖАГА ЭРИШОЛМАЙСАН

Айна пайтда Яшнобод туманида «Корея маданият маркази» қурилмоқда. Бу маскан келгусида икки мамлакат тотувлигининг рамзига айланса, не ажаб. Ҳоким бу ердаги қурилиш ишлари билан танишиш

кореялик дўстларимизга қўлдан келганча ёрдам беришини билдириди. Шундан сўнг, Оҳангарон шох кўчаси ва «Махтумқули» кўчаси кесишувидagi кўприк лойиҳасини кўздан кечирди. Туманда қурилаётган «Корея кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази» билан кўприк қурилиши бўйича тушунмовчиликни бартараф этди. Марказни қураётган корейлик инвесторларга икки лойиҳа, умуман, бир-бирига ҳалақит бермаслигини тушунтирди.



— Инвесторлар билан ишлашда дипломат ва ишбилармон бўлмасанг қийин, — дейди ҳоким. — Улар билан дўстона алоқа ҳар томонлама фойдали. Яқинда америкалик 200 нафар туристни мамлакатимизга таклиф қилдим. Ҳозир улар қадимий Самарқанд шаҳрида саёҳат қилляпти. Эртага уларга туман тадбиркорлари томонидан тайёрланган маҳсулотларни намойиш қилмоқчимиз. Бойси меҳмонлар қадоканган қуруқ меваларимизга катта қизиқиш билдирган. Ажаб эмас, экспорт бўйича салмоқли шартномани қўлга киритсак.



### ЯШНОБОД ЯШНАБ КЕТАДИ

Ҳудудларда секторлар бўйича ҳам жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Биринчи сектор бошлиғи Яшнобод туман ҳокимига ўн тўққизта



маҳалла бириктирилган. «Обод қишлоқ» дастури доирасида Тошкент шаҳар ҳокимининг «Обод маҳалла» дастури тасдиқланган. Унга кўра биринчи сектордаги «Диалог» маҳалласида бунёдкорлик ишлари режалаштирилган. Куннинг иккинчи ярмида сектор масъулари билан «Диалог»ни замонавий маҳалла қилиш бўйича фикр алмашди. Ободонлаштириш ишлари ва унга ажратиладиган маблағ муҳокама қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра лойиҳа бўйича етти ярим миллиард сўм сармоа зарур экан.

— Бундай маҳаллалар юртимиз кўрига-кўрк қўшади, — дейди Дилмурод Турдиев. — Лойиҳа орқали аҳолининг яшаш шароитидан мамнун бўлишига эришамиз. Яшнобод тумани бош лойиҳаси германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда яратилган. Агар у тасдиқланиб, инвесторлар жалб қилинса, ҳолат буткул ўзгариб кетади. Ҳудуддаги баъзи муаммолар ҳам ўз ечимини топади. Ҳозир лойиҳа бўйича тизимли ишлар кетяпти.

Ҳоким кун давомида ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, фуқаролардан келадиган хатлар билан танишади. Ҳар бир мурожаат бўйича ҳодимларига алоҳида топшириқ берди. Ҳоким билан бирга юриб, раҳбарлик заҳматини тотиб кўрдик. Ҳа, бундай масъулият билан ишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Дилмурод ака Яшнобод туманида иш бошлаганига атиги бир йилдан ошибди. Шунга қарамасдан, у кишининг меҳнати самараси кўзга ташлана бошлаган.

### ЕНТИРОМ

## ФАРОВОН КУНЛАР УЧУН ТАШАККУР!

Акбаржон АБДУРАИМОВ

Инсоният тарихидаги энг қирғинбарот урушда Ўзбекистондан бир ярим миллион нафардан зиёд киши қатнган. Беш мингга яқин юртоғимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга олсак, халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини таъкидлади. Дарҳақиқат, хотира бугунги авлодин тинчликни қадрлашга ўргатади. Президентингиз, шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги бундан буён ҳам мустақамлашиб боришини қайд этди. Биз бу муносабатларни гоят қадрлаймиз. Узаро ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил тараққиёт этаверишига ишонамиз.

Уруш йилларининг аянчи хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри акс эттирилган бадий дастур қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдириди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

дан ташланаётган бомбаларнинг порташуи, бир-бирини ўққа тўтаётган одамлар кўз олдидан ўтди.

Бобом Қарши Ҳасанов ҳам 1942 йилда навқирон ёшида фронтга чақирилиб, 1944 йилда очик жанг майдонида снаряд парчаси ўнг қўлини жиддий жароҳатлаган. Жанг бораётган ўрмонда душманнинг йигирмадан ортиқ аскарини асир олиб, жасорат кўрсатгани, фронтдан жанг қилиб, Берлинга кириб борганини урушдан сўнг ўзбекистонга қайтиб, ўзбек йиллар ёрдамчи ҳўжаликада меҳнат қилгани ҳақидаги ҳикояларини завқ билан тингладим. Кўксидagi ордену медалларга ҳавас

билан боқардим...

Уруш кўргуликларини, жангларда кўзи очик кетган сафдошларини очикдан силаси қуриган одамларнинг аҳволини айтга туриб, ҳеч қачон уруш кўрмасин, дея бот-бот тақдорларни, бобом. Бутун биз фарзандлар у кишини хотирлаб, ўнгитларига амал қилиб яшаймиз.

Эрта тонгда ишга отланар эканман, ота-боболаримиздан мерос бугунги дорилармон кунларга, тинчликка шукр қиламан. Фарзандларимиз мана шундай беғубор ҳаётдан баҳраманд бўлиб яшашига масъул эканимизни янада чуқурроқ ҳис этаман.

## САҲРО БУЛБУЛНИ ХОТИРЛАБ

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Нукус давлат педагогика институтида Ўзбекистон Қаҳрамони, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳибига, истеъодли шоир Ибройим Юсупов тавалуумининг 89 йиллиги муносабати билан хотира кечаси ўтказилди. Унда профессор-ўқитувчилар, адиблар ва ёш талақотчилар иштирок этди.

Тадбирда шоирнинг «Уйлар», «Етти доvon», «Бахт лирикаси», «Илҳом», «Кунгли кўнгилдан сув ичар» каби шеърини тўпламларидан намуналар

ўқилиб, асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар намойиш этилди.

Бадий анжуман шоир қаламига мансуб шеърлар

асосида ёзилган куй-қўшиқларга улашиб кетди. Яқинда фаол иштирокчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

## ХОТИРА — МУҚАДДАС

Шоира ОХУНЖОНОВА, Отахон РАҲИМОВ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент вилоятининг барча тумани ва шаҳарларида турли маданий тадбирлар, учрашув ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Хусусан, Чирчиқ туманидаги ҳарбий полигонда Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ҳамда Тошкент ҳарбий округи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳарбий техниклар, кургазмали чиқишлар намойиш этилди. Шунингдек, иштирокчилар уруш қатнашчилари ва ҳарбийлар билан сўхбата бўлиб, ўзлари учун керакли маълумотларга эга бўлди.

Зангиота тумани Бўзсув қишлоғидаги тадбир ҳам ўзгача руҳда ўтди. Дастлаб ҳудуддаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйилди. Маросимда сўзга чиққан туман ҳокими Абдуваҳоб Тамишев уруш қатнашчилари ва фронт орти фахрийларини қўтлаб, бугунги тинч ва фаровон кунлар учун уларга миннатдорлик билдириди. Шундан сўнг нурунийларга кўнматбахш совғалар топширилди.

— Ёшлар бугунги беллашувдан завқ олди, — дейди масъуллардан бири Суҳроб Жўраев. — Уларнинг иқтидори ва маҳорати бизни лол қолдиради. Бундай мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш ёш авлодининг саломатлигига ижобий таъсир қилиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашади.

ёш авлод ўртасида давра суҳбати ташкил этилиб, уруш ва меҳнат фахрийлари уруш воқеаларини ёшларга ҳикоя қилиб берди.

Яшнобод туманида уртамдан ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ташкил этилди.

Иттифокнинг маҳаллий кенгаши томонидан «Яшнобод» профессионал футбол клуби билан ҳамкорликда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган мусобақада Миробод ва Бектемир тумани жамоалари ҳам иштирок этди. Беллашув қизқинч ва мurosасиз бахсларга бой бўлди. Яқинда унинг эпчилиги, маҳорати ва ажойиб ўйинлари эвазига мезбон туман вакиллари барчадан устун келди. Голиб ва совриндорларга медал, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

— Ёшлар бугунги беллашувдан завқ олди, — дейди масъуллардан бири Суҳроб Жўраев. — Уларнинг иқтидори ва маҳорати бизни лол қолдиради. Бундай мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш ёш авлодининг саломатлигига ижобий таъсир қилиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашади.

## DOLZARB MAVZU


Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

Шавкат Мирзиёев

# БИР НУРКИ, ҚАЛБНИ МУНАВВАР ЭТГАЙ

Абдулла АЪЗАМОВ,  
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

Илм – Аллоҳнинг мулкидир. Бу мулк эгаси илмни Ўзи танлаганларга бергайдир ва Ўзи истаган миқдорда раво кўргайдир. Қайси инсонки бу рутбага сазовор ва ул мартабада тождор бўлмай, фоний дунё саодатин ва боқий дунё фароғатин топгусидир.



Одам Атодин то ҳозиргача, замона қай тарзда эврилмасин, илмга интилувчилар ва илм аҳли қадрин билгувчилар дунёга келиб-дурлар, бундин буён ҳам то қуёш тунгунча ва юлдузлар сунгунча келабергайлар. Зотан, Аллоҳ инсонга замоналарда тафаккур қудратин ва тақаллум зийнатин ҳаёда этмишдир. Бу тоифа – толиби илмларким, илм излаб ўтгувчилардир, бу силсила — соҳиби илмларким, ҳақиқат талаб этгувчилардир.

Қайд этмоқ жоизки, ҳар бир илм толиби ҳам илм соҳиби даражасига етавермас, ҳар бир соҳиби илм толиби илм мақомида ўтавермас. Илм соҳиби мақомига етиб, илм толиблигича қолганлар — маърифат йўлида сиддиқлардир.

Зотан, инсон фаришта эрмас, онги тан билан мувозаанатда, руҳи нафс билан муносабатда. Шу боис толиби илм икки кемага оёқ кўйганини, бир қалб ила икки машуқни суйганини эслатури. Кўплар оёгин илм кемасини дунё кемасига тортайга, хўблар эса дунё кемасига этак силкиб, бутун борлигин илм кемасига ортайга. Ҳар икки кемадин ҳам кўзини қиймаган узоқ сузиши мушкул, фоний дунё рўзгорин тузиш-ла машғул.

### ИЛМ – НУРДИР.

Кун нуруни, ой нуруни, юлдуз нуруни, чироқ нуруни, шам нуруни, қўнғиз нуруни одам кўз ила туйгай — бу туйғу боис онгу шуруида уни ўраб тургучи дунё акс этгай ва у олам моҳиятин фаҳмига етгай. Бироқ фақат қисман ва хира, аксар ҳолда қинғир ё тийра. Илм нури эса баъзини гравитация — на назарга чалинур, на бошқа сезги била билинур, балки тўғридан-тўғри инсон қалбига етгай ва у қалбни мунаввар этгай.

Кун ёғусидин фарқли, илм нури анварликда чеку чегара билмас, чироқ ёғусидин фарқли фан зиёси ҳеч бир тўсиқни писанд қилмас. У тасаввурга сиймас марралар дунёсига кўз илгамас зарралар дунёсини тасаввурга келтирур, макону замонини ўзида муҳассам этган тўрт ўлчовли фазонин ҳам, уфқиди параллел тўғри чизиқлар кесилувчи маъвони ҳам тафаккурга билидур, зарра деса тўқтин, тўқтин деса зарралик намоён қилгучини жумбоқ хилқатларни зоҳир этгай, хуллас, жисмонан ожиз инсонни ақдан моҳир этгай.

### ТАМСИЛ.

ИЛМ – АЛЛОҲНИНГ ТИЛСИМИДИР. У ёш танла-мас. Не тилсимким, 7 ёшида тафсир илми нури Муҳаммад ибн Исмоилнинг қалбиди садафланмиш ва у “Имом Бухорий” деган буюк исми шариф ила шарафланмиш. Не мўъжизаким, 10 ёшида Муҳаммад Тарағай юлдузлар завқини зиёланмиш ва у шўҳлик маснадидин илм манзарини афзал толиб, коинот нақшида “Улғубек” исми ила даҳоланмиш. Не таажжубким, мураккаблиги боис, “фанларнинг сўлтони” аталмиш риёзиёт илми 16 ёшида Эварист Галуа қалбин забт этмиш ва гарчи у атиги 20 ёшида хиёнат ва ҳасад



сабаби-ла ҳалок бўлган эса-да, замонавий математика салтанатин тахт этмиш.

Илмга ошиқлик бир тилсимдирки, замон ҳам, макон ҳам таналамас, шохнинг ўғлидаю, гадонинг ўғлида воқе бўлмоғи ҳам, омининг фарзандига насибу омининг фарзандига моне бўлмоғи ҳам мумкин.

### ИЛМ – МЎЪЖИЗАДИР.

Сиру асрорига етишга инсон фикри ожиз, изох учун тамсилгагина мурожаат жоиз: қалбни зиёланган толиб — Мажнун, илм эса, Лайли: худди Мажнун каби ўзлигин унутгай, қай тараф боқса, Аллоҳ илмидин зиё кутгай. Толиби — Фарҳод, илм — унга Ширин: на бир захматни назарга илгай, на бир хатардин эҳтиёт қилгай.



Дели: негур сенга оламда пеша?  
Дели: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамиша.

Бу байтадаги ишқ калимаси пурмаъно, маънолардин бири илм дейилса, айни мударра.

ИЛМ – АЛЛОҲНИНГ НЕЪМАТИДИР. Руҳи илм нури би-



лан нурафшон инсон бутунлай бошқа хилқатга ўтгай — “илм кемаси”дин ўзга масканни сайл этмас, руҳияти мутлақо бошқа завқ тоғтай — умрининг сунги нафасигача илмдин ўзга саодатни майл этмас. Пифагор, Архимед, Аполлонидан тортиб, Коперник, Галилей, Торричеллигача. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Берунийдан тортиб, Ньютон, Фарадей, Энрико Фермигача. Маҳмуҳуҷа Беҳбудий сингарии маърифат фидойиларидан онгимизда шуур, Ҳабиб Абдуллаев каби фан ва миллат фидойиларидан қалбимизда гурур.

Ҳазрати Алишер Навоий шoir сифатида оламга машҳур, арбоб сифатида таърихга манзур. Ваҳоланки, “Мезон ул-авзон” ўзбек поэтикасининг тамал тошдур, “Муҳокамат ул-луғатайн” қиёсий лингвистиканинг аввал – бошидур, “Ҳайрат ул-аброр” эса, жаҳон фалсафасининг сўнмас қуёшидур.

Шубҳа йўқким, Навоий фитрати илм неъматин-ла обод, руҳи ҳақиқат ҳикмати-ла озод бўлганлар. Маълумларким, илмда ихтиро тафаккурда ажиб бир туғён уйғотур, тааммулда — гариб бир галаён. Ва бу ҳолат айнан ул зот каломиди аниқ ифода этилмишдир ва қалами-ла дунда битилмиш:

Илоҳий(м)! Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нуҷум дураридин поқроқ!

“Муноҳот” асаридан; табиили: кимга илм дарёсидан бир гавҳар олиб чиқиш насиб этса — ихтиро, кашфиёт, янги теорема каби бирон-бир илмий ҳақиқатни очинишга муваффақ бўлса, унинг руҳидидаги ҳолат — юлдузлар чарақлаган осмонга ўхшаш бўлади. Дарвоқе, бугун тунларини минглаб чироқлар билан ёритилмагани, ҳавоси ис газлари-ю чанг-ғубор билан тўйинган шаҳар-қишлоқларда бундай осмонни кўришнинг имкони йўқ. Бунинг учун булутсиз, ойсиз тип-тиник тунги осмонни аҳоли тураржойларидан йироқ масканларда кузат-

моқ керак. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Майданак обсерваторияси ана шундай масканлардан биридир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур болалигида илм дарёсидан сув ичмиш; то умрининг охиригача қалбиди бу туйғу кечмиш:

Мен бор илм толиби — илм керак.



Бу рубоий бугунги ёшларга бир насиҳатдур: “Илм толиби бўлингиз!” ва келгуси авлодларга васиятдур: “Фан ва техника соҳиби бўлингиз!”.

### ИЛМ – ҚУРАТДИР.

То ўрта асрлар деб аталмиш давргача қай бир ерда тамаддун қанот кермиш — илму фан гуллаб мул ҳосил бермиш. Бироқ мазкур даврларда илму фан — бамисли шохлар саройида бoғ эркан, айрим олимларгина ул боғдин гул терган.

Ўрта асрлар якуни феодализм интиқосини капитализм ибтидоси ила боғланмиш — бўлса бордир. Бугун энди замонага синчков боқмоқ ва миллатнинг келажак биноси тарихга қозиқ қоқмоқ лозимки, бу жиҳатдин бошқа бир омил салмоқдордир: қўл меҳнати машиналар ила қудратланиши билан эски тарих абас, электр бирла ундан-да янги тарих муассас, рақамли техника била эса, мутлақо янги тарих чамбарчас. Келгусига назар солсанг, битмас энергия манбаининг кашфиёти қолиб бўлмай. Истиқбол хусусинда ўйга толсанг, энг тезкор компьютер ихтироси ноиб бўлмай. Бу эврилишларнинг бариди — техника ҳассос, техникага эса илму фан асос. Бундин буён қай мамлакат ёшлари илму фан толибдур — у куч-қудрат соҳиби.

Ҳа, илму фан — мамлакат истиқболига омил ва жамият камолига — восил. Токи иш шуидир, долзарб бурчимиз ушбуидир:

ИЛМ-ФАН — МАСЪУЛИЯТДИР. Масъулият — илмий

тадиқотларнинг самарадорлигида, натижаларнинг унумдорлигида. Рисола назарий бўлса, фан тарихига киргувчи бўлсин, амалий бўлса, салмоқли наф бергувчи бўлсин. Математик машҳур муаммога жазм этса қошки, физик янги ҳодиса ё қонун кашф этса қошки. Кимёгар янги реакция топсин, унинг номи ила аталсин, физиолог тузалмас дарага чора топсин, кўксига Нобель нишони қадалсин. Орзуга айб йўқ, бу борада ёшлардин умидимиз чўқ, илму фанни қўллаб-қувватлаётган Президентимиздин кўнгуллар тўқ.

ИЛМ – АЛЛОҲНИНГ ОМО-НАТИДУР. Илм соҳиби унга насиб этган илмини авайламоғи фарз ва келгуси авлодларга оқизмай-томизмай етказиши — қарз. Илм аҳли ёшларини илмга қизиқтирмоғи, илмга ошиқликни юқтирмоғи шарт, уларга фан чўққиларига интилишни тавсия қилмоғи, ҳар бир олим учун ўзидан ҳам қодирроқ шогирд тарбия қилмоғи — бахт. Шогирдсиз олим — ҳосилсиз дарахт, устозидан ўтган шогирд учун истиқбол — нақд.

Бундай бахтга эришмоқ учун олим саховатпеша бўлмоғи, шогирддан таъма қилишга андеша қилмоғи, шогирд ҳам устозини ота ўрнида билмоғи лозимдур. “Устоз — отангдан улур” — бу оталарнинг толиби илм фарзандига ўғитишдан иборат ҳикматдур, уни таҳрир қилгувчининг иши ҳақнинг донолигига тўхматдур.

Илмда шогирдини елкасига кўтарган устоз — пири комил мақомига, ҳаётда устозини елкасига кўтарган шогирд — фаришталар саломига етишгай. Қачонким, устоз-шогирд аъванаси тўқис — илм тараққий этгай, қаердаким, шогирд-устоз силсиласи ноқис — илму фанга завол етгай.

Абу Наср ибн Ироқ шогирди Абу Райҳонга бағишлаб асар битди — бу билан унинг буюк парвозига қанот ато этди. Ва илм хазинаси Беруний рисолалари ила тўли, XI аср Беруний асри бўлди. Абу Райҳон устози Абу Насрни шарафлаб рисола тузди — устоз руҳи унга маада кўргузди. Бу тамсил бугунги устозу шогирдага намуна ва ибрат, эртанги толибу муаллимга сабоқ ва даъват.

### ИЛМ – ИБОДАТДИР.

Ибодатхонага тоза кийим ва пок кўнгул ила кирилгай — илм даргоҳига ҳам тоза ният ва холис мақсад ила қадам урилгай. Илмда ҳалоллик — охиратада безаволлик. Илмда ҳақиқат топишдан ўзга ният — офат, фанда ҳақиқат излашдан ўзга мақсад — қулфат. Олим ҳақиқатга қул, ҳақ сўзини айтишда эса шох бўлмоғи, ҳақни ҳақ дейишга шохид, сохтани сохта дея тасдиқ этишда гувоҳ бўлмоғи лозим. Кимки ўзганинг фикрин ўз номидан айтар — илм кисавури, иқтибосини унутмоқ эса, ўғриланиш энг паст тури.

Тақриз битганда адолат — олимлик шартидир, кимки танқид этганда нияти холис — илмнинг мардиридир. Кибру ҳавога нисбатли — олимликдин йироқ, ҳасаду иғвога раббатли — бамисли куйган чироқ.

Чирок олим илмда матонатли ва ҳаётда қаноатли. “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин!” Ҳолбуки, одам бўлмас, олим эмаслиги ҳам таян.

Менинг билганим-билган дейиш — олимликка нолайик, билмаганим билдим дейиш — омиёга номувофик. Мутлақ ҳақиқатни билмак — ёлғиз Аллоҳга хос, “Валлоҳу аълам” фикрини қилмоқ — бандасига мос.

## YAXSHILIK

Муаллим учун кутубхона ташкил этишдан юксакроқ орзу бўлмас керак. Тарихимизга назар ташласак, зиёлиларимиз болаларни саводли қилиш учун уйларида мактаблар, кутубхоналар очганини кўраимиз. Улар миллатни фақат илм тараққий эттиришини яхши англаб етган.

# ҚАТАҒОНДАГИ МЎЪЖАЗ КУТУБХОНА

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ  
Қашқадарё вилояти

Қашқадарёлик Холбой ота Хонқулов ҳам китобга ошно тутинган, билганларини бошқаларга ўргатишдан оғринмайдиغان фидойи муаллимлардан эди. У узоқ йиллар ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс берди. 2009 йилда шахсий маблағи ҳисобидан ўзи яшаган Қатағон қишлоғида катта кутубхона қуриб, фойдаланишга топширди. Ҳозирда унинг хайрли ишини фарзандлари давом эттирмоқда.

— Кутубхонамиз яқинда 5 минг дон китоб билан бойитилди, — дейди отахоннинг ўғли Улуғбек Хонқулов. — Бунда бизга педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммадхон Қуронов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқов, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев ҳамма Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, Қашқадарё вилояти Маънавият ва маърифат

маркази беминнат ёрдам кўрсатди. Қолаверса, кутубхонамиз турли хил улчамдаги портрет ва канцелярия маҳсулотлари, мебеллар тўплами ва кондиционер билан жиҳозланиб, бугунги кунда янада кўркам ва шинам қиёфа касб этди. Уйлайманки, раҳматли отам қолдирган бундай улкан меросни биз, фарзандларимиз кўз қорачиғидек асраймиз.

Бугун мўъжазгина кутубхона жавонида 15 мингдан ортиқ турли йўналишлардаги адабиётларни ўрин эгаллаган. Мазкур зиё масканида нафақат ёшлар, балки ёш улғулар ҳам ўқиб-ўрганмоқда.

Ишонамизки, “Холбой бобо” номлидаги ёшлар маркази кутубхонаси кенг аҳоли қатлами ва ёшларнинг интеллектуал салоҳияти юксалиши ва дунёқарашини кенгайтириш, шахсий фикрининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Эеро, дилдаги эзгу мақсадлар келгусидаги ойдан ниятларнинг рўёби йўлида камарбаста бўлса, не ажаб.

## ANJUMAN

Давлатназар РҮЗМЕТОВ

Араб давлатларидан бирининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчис сифатида иш бошлаган меҳмон Фаргона водийсига сафарни чоғида Катта Фаргона канали кўпригиндан ўтаётган, атрафдаги кўкаламзор боғу роғларга, ҳайрат билан боқиб, ҳамроҳларидан сўрабди:



# СУВНИ АСРАЙЛИК!

— Бу дарёнинг суви қачон тўхтайдиган? Ундаги сув вақти-вақти билан ёпиладики?

Меҳмоннинг саволидан ҳайрон қолган ҳамюртларимиз унга каналдаги сув табиий ҳолда йил ва холис мақсад ила қадам урилгай. Илмда ҳалоллик — охиратада безаволлик. Илмда ҳақиқат топишдан ўзга ният — офат, фанда ҳақиқат излашдан ўзга мақсад — қулфат. Олим ҳақиқатга қул, ҳақ сўзини айтишда эса шох бўлмоғи, ҳақни ҳақ дейишга шохид, сохтани сохта дея тасдиқ этишда гувоҳ бўлмоғи лозим. Кимки ўзганинг фикрин ўз номидан айтар — илм кисавури, иқтибосини унутмоқ эса, ўғриланиш энг паст тури.

Тақриз битганда адолат — олимлик шартидир, кимки танқид этганда нияти холис — илмнинг мардиридир. Кибру ҳавога нисбатли — олимликдин йироқ, ҳасаду иғвога раббатли — бамисли куйган чироқ.

Чирок олим илмда матонатли ва ҳаётда қаноатли. “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин!” Ҳолбуки, одам бўлмас, олим эмаслиги ҳам таян.

Менинг билганим-билган дейиш — олимликка нолайик, билмаганим билдим дейиш — омиёга номувофик. Мутлақ ҳақиқатни билмак — ёлғиз Аллоҳга хос, “Валлоҳу аълам” фикрини қилмоқ — бандасига мос.

— Э Аллоҳим! Ўзбекистонга келиб сен тасвир этган жаннатни кўрдим! Етказганимда, дарёларидан тинимсиз зилот суви оқиб турадиган, хушманзара мана шундай жойларингни кўриш насиб этгани учун беазада шукрлар бўлсин! — дея шу ернинг ўзида намозини ўқиган экан.

Таниқли профессор Муҳаммадхон Қуроновдан эшитган бу воқеани Урганч шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистонда сув ва атроф муҳитни асрашга бағишланган тадбир жараёнида беҳиётёр эсладим...

ўртасида бу борада тарғибот ишларини қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, Ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг бор йўғи 2-3 фоизигина истеъмолга яроқли. Дунё аҳолиси кейинги 60 йилда икки баробардан зиёд кўлайди. Инсоният табиий неъматлардан ноқилона фойдаланиши туфайли чўчук сув захиралари кескин қисқариб бормоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайд этилган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисми чўчук сув танқислиги шароитида яшайди, ҳар йили 3,5 миллион киши айнан чанқоқдан вафот этди. Қувайт, Миср, Бирлашган Араб амирликлари каби давлатларда ичимлик суви захиралари етарли эмас, Европа аҳолисининг 15 фоизи чўчук сув захираларидан умуман маҳрум экан. Бироқ суви исрофгарчилиги ҳамон давом этмоқда.

Афсуски, бу долзарб глобал муаммолардан барча юртдошларимиз ҳам етарли хабардор дея олмайдими. Бунинг оқибатида жойларда тоза ичимлик ва сугорма суви асраб-авайлаш, ундан тежаб фойдаланиш, сув ва артоф-муҳитни муҳофазаси борасида табиат камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Тадбир давомида иштирокчилар мутахассисларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди.



# "Сўнги дарс"

Меҳрибону МУҲСИМОВА,  
талаба

Мактабда дарс берадиган кўшним тўртинчи синфда ўқийдиган ўғлининг битирув оқшомига таклиф қилди. Гап орасида: "Журналистсиз, балки нашрларда ҳам ёритиб берарсиз. Болалар роса тайёргарлик кўрган, борганингизга афсус чекмайсиз", — деди.

Ростдан ҳам мактаб йўлакчаси шарлар, гуллар, осма пардалар билан шундай безатилганки, кўриб оғзингиз очилиб қолади. Байрам ўтказилмайдиган залнинг олдига унча-мунча тўйхоналарнинг ҳашами ҳам ип эшюмайди. Айниқса, узун оппоқ кўйлак, башанг костюм-шим кийган ўғил-қизлар кўзни қамаштиради. Байрамни энди бошлаймиз деб турганда тадбирнинг "ҳомийлари", яъни ота-оналар эсдалик учун суратга тушиш таклифини билдириб, фарзандларини фалон пулга пардозхонага боргани давога учини истамастлигини қистириб ўтади.

Шундан сўнг эйтибор берсам, ўқувчиларни қўғирчоқдек пардозлашган экан. Уларнинг фариштадек, бегубор ва самимий кийфасидан асар ҳам қолмаган. Болалар шаҳзодалик маликаларга эмас, "маскарабоз"га ўхшаб қолгандек туюлди. Умуман, она сути оғзидан кетмаган болаларнинг бунча пардоз қилишнинг нима кераги бор? Битирув кечасига сарфланган пулга битта тўй ўтказиш мумкин. Бу билан ёшларимизни болалигидан даблалабозликка ўргатиб қўймаймизми!

Байрам авжида, қизлар болаларнинг елкасига қўл

ташлаб, йигитлар уларнинг белларидан кучиб, вальс туша бошлади. Ота-оналар кийкириб, чапак чалаяпти. Фақат бир қизча рақс тушиш ўрнига куз ёш қилапти. Билсам, унинг вальсдаги шериги келмабди. Камчиқим оила фарзанди бўлган, тенгқурларига ўхшаб пурим костюм-шим киймаган бола билан эса, шерик бўлишни истамай хархаша қиларди...

Аслида воқеани шу жойида тугатмоқчи эдим. Аммо тадбирдан сўнг ўтказилган ҳашамдор ресторандаги зиёфатни қолдириб кетсам инсофдан бўлмас. Базм дастурхони тўксин. Унда буш жойнинг ўзи йўқ. Таърифлашга тил ожиз. Ота-оналар қўлига тилла соат тақаётган, барча тадбирларнинг ташкилотчиси синф раҳбарининг сўзларидан энсам қотди. У синфидидаги қирқ саккизта ўқувчининг барчасини ўз фарзандидек яхши кўришини айтиб, одам ажратиш унинг учун ёт тушунча эканини ўқитишга ҳаракат қилди. Бахтга қарши, дастурхон атрофида 25 нафар ўқувчи ўтирар эди...

Тўрт йил давомда дунё билмиларини ўргатган муаллима сўнги дарсини зиёфату мол дунёга ружу қўйишга бағишлаганга ўхшайди.

# САВОБ УЧУН ЁЛФОН

Болтабой МУҲАММАД КҮРБОН

Кўшнимиз Илёс тоға тўй қиладиган бўлди. Тўй тадориғи кўрила бошланди-ю, аммо ҳадеганда ўғлига қиз топилавермади. Бир куни юмуш билан ташқарига чиқсам, боғдеворнинг нарғидан ота-бола суҳбати қулоғимга чалинди:

— Ҳаммага топилган қиз нега сенга топилмади. Бир ҳафта муҳлат. Агар шу сафар ҳам қиз топмасанг, биз танлаганга уйланасан!

Хулмас, ота берган муҳлат тугаб, эр-хотин кўзининг остига олиб қўйган қизниқига совчилликка борди.

Кўнларнинг бирини уйимизга бир мўйсафид отамни сўраб келди.

— Отамурод, қандай шамол учиради, кел

ўнг бўлсин. Бу замонда ёмон одамни ўзи йўқ. Ўзинг яхши — олам яхши, — деб отам ҳалиги одамнинг саволига жавоб бера бошладим. — Энди Илёсбойга келсак, ҳамма қатори, ўзингиздай яхши оила. Болалари кўп. Ҳали бу биринчи тўйи. Ўзи ҳам болалари ҳам тузуккина, яхши тарбия кўрган. Худо хоҳласа, тўйини жавобини берсанг, ёшлар бахтли бўлиб кетади.

Ойниса жуда ақлли, ҳунарли қиз. Қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ёмон оилага тушиб хор бўлмасин, — деди Отамурод ота уйга толиб.

— Энди жўра, жанжал кимнинг уйида йўқ. Рўзгор — ёр. Уни тўлдиргунча она сутинг оғзиндан келади. Бир оила бўлса шундай бўлар, дўстим. Неварангни беравер. Ҳали кўрасан чиройли бир оила бўлади.

са унинг гапларини бўлмасдан тингларди. Ахйри чндай олмай:

— Гапинг тамом бўлдими? Ким айтиб сенга бу беаъни гапни. Бўлғуси қудангми?! Мен ёлгон гапирадиган ёшдан ўтганман, иним. Лекин шу ёшларнинг бахти учун ёлгон гапирдим. Аммо келиб тўхмат қилишинг ортиқча.

Илёс тоға ичидаги борини тўкиб, қандай тез келган бўлса, шундай тез чиқиб кетди. У кетгач, отам уйнинг деворига суяниб, уйга толди. Сигирга сув тўтиб келсам, отам юзини қўли билан тўсганча пиқ-пиқ йиғлаб ўтирибди.

— Ҳозир бориб Илёс тоғани бир пул қилиб ташлайман, ҳамма гапларини қудаларига айтиб бераман, — дедим. Шунда отам:

— Қўй болам, жаҳлингдан туш. Ким ҳақ, ким ноҳақ Аллоҳ билгувчидир, — дея мени йўлдан қайтарди.

Қудалар тил топишибди, шекили, Илёс тоға тўйини бошлаб юборди. Уйимизга ҳам эл қатори хабар келди. Аммо отам тўйга бормади. Тўйнинг тўртинчи куни қуда чақириб маросими бўлди. Отамурод ота ҳам маросимга кела солиб, отамни сўраган. Бўлган воқеани эшитиб:

— Аттанг, аттанг ёмон бўлибди. Бери кел, мулла Илёс. Майда гап одам экансан. Сенга қўшнилариңдан бири деганимда, уни назарада тутмаган эдим. Аттанг, Содиқни дилини бекор оғритибсан. У бўлса сени еру қўкка чиқариб мақтаган эди. Тўғриси, неварамни шу дўстимнинг айтган тавсияси учун берган эдим.

Орадан уч кун ўтиб кўшнимиз уйимизга кириб келди. — Ота, мен сизга нима ёмонлик қилдим, арпангизни хом урдимми? — дея кела солиб айюханно сола бошладим. — Қўриб, билганингиз мен. Энди бир қуда топдим деганимда, шуням йўлдан урибсиз.

Илёсбой тоға ҳадеб жаврар, отам бўл-



дўстим, — деб отам ҳалиги кишини қаршилади. Икковлашиб хонага кирди. Мен дарров дастурхон ёзиб, чой дамладим. Отамнинг дўсти чойдан ҳўплаб, гап бошлади:

— Жўра, кенгашли тўй тарқамас, деган гап бор. Қўшинг Илёсбой бизниқига совчи бўлиб борибди. Шунинг учун унинг асли-наслини билмай деб сенкига келдим.

— Ўнг бўлсин, жўра,

Падаримнинг дарёдалиғига қойил қолдим ўшанда. Ахир бир ҳафта бурун Илёс тоға бехосдан томорқасига ўтган қўзичоғимизни оёғини уриб синдириб, отам билан сан-манга борган эди-ку. Энди бўлса, шу одамни кўкларга кўтариб мақтаяпти. Ростки, бундан жаҳлим чиқди.

— Орқаворотдан ёмон оила деб эшитаман, уйда ҳар куни жанжалмиш. Неварам

Отамурод тоға отам билан хайр-хўшлашиб кетди.

Орадан уч кун ўтиб кўшнимиз уйимизга кириб келди.

— Ота, мен сизга нима ёмонлик қилдим, арпангизни хом урдимми? — дея кела солиб айюханно сола бошладим.

— Қўриб, билганингиз мен. Энди бир қуда топдим деганимда, шуням йўлдан урибсиз. Илёсбой тоға ҳадеб жаврар, отам бўл-

Фильмлар давр даҳшатини бор тўс-тўполони билан кўз олдимизда яққол жонлантириб юборади. Санъатнинг ўта таъсирчан ва инсон онгига тез етиб борадиган турларидан бири ҳам айнан кинодир. Қуйида Иккинчи жаҳон уруши манзаралари тасвирланган айрим фильмларни эслдик.

## "Журналар учмоқда"



1957 йилда Михаил Калатозов суратга олган ушбу драммада ошиқ кўнгиллар — Борис ва Вероника қисмати чизилган. Уруш тўғрисида ҳақиқатдан жудо бўлган Вероника севгимсининг уқасига турмушга чиқишга мажбур бўлади ва бир умр ўзини хиёнатла айблаб, виждон қийноғида ҳаёт кечиради.

## "Аскар ҳақида баллада"

Григорий Чухрай томонидан 1959 йилда суратга олинган картинада ёш аскар Алёша Скворцовнинг ҳаёти тасвирланади. Алёша урушда тенгсиз жасорат кўрсатади. Унга бу хизматлари учун меҳнат таътили берилади. Бироқ шунча узоқ йўл босиб келган ўғлон онаси билан бор-йўғи бир неча дақиқатгина суҳбатлаша олади. Фронга қайтаётганда волидасига, албатта, омон қайтишга ваъда беради. Аммо...



## "Иваннинг болалиғи"



Андрей Тарковскийнинг ушбу киноасари (1962 йил) бола ниғоҳидан уруш даҳшатлари ҳақида. Уруш 12 ёшли Иваннинг нафақат энг яқин инсонларини, балки болалигини ҳам тортиб олади. У душмандан ўч олиш мақсадида разведкачилар сафига қўшилди. Усини фақат тўшларидан ўйинқароқ болалигини кўради...

## "Сен етти эмассан"

Уруш йилларида тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмулов ҳамма аёли Баҳри Ақромовалар турии миллатга мансуб ўн нафардан зиёд етим болани асраб олади. Шўҳрат Аббосов томонидан суратланган "Сен етти эмассан" картинасида айнан ушбу оиланинг прототиби тасвирланади. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг киносценарийси асосидаги фильмда темирчи Маҳкам отанинг ягона ўғли урушга кетиб, ундан немиш болани етаклаб қайтгани, Меҳринисо ая шу болани ҳам қучоғига олгани кўрсатилади. Асар чин маънода ўзбек халқининг болажонлиғи ва саховатини кўрсатиб берган.



## "Солдат отаси"

Ушбу фильмни 1964 йилда режиссёр Резо Чхеидзе суратга олган. Унда 1942 йилнинг аламли воқеалари тасвирланади. Асарда бош қаҳрамон жароҳат олган аскар ўғлини кўриш учун госпиталга бора-

ди. Бироқ дилбанди у ердан тополмагач, ота қўлга қурол олиб, жанг майдонига йўл олади. У ерда фарзанди билан кўришади. Бироқ жангга қаттиқ яраланган ўғил отасининг қўлида жон беради.

## "Хур қизлар"



Станислав Ростокскийнинг ушбу драмасы 1972 йилда суратга олинган бўлиб, унда эланига мактабни тамомлаган беш зенитчи қиз ҳақида ҳикоя қилинади.

— Уруш инсоният бошига келган офат бўлди. Минглаб ўзбек йигитлари жанггоҳдан қайтиб келмади. Уруш йиллари ҳар куни тонг чоғи чорбоққа йўл олардим. Манзилга етти-онимча, қулоғимга аёлларнинг дод-фигони, бўғиқ овозда йиғлагани эшитилиб, қалбим ларзага келарди. Афсуски, ҳар тонг кимдир ўғлидан, ака-укаси билан ёки ёридан айриларди...

Эҳ болам, осуда кўнлар қадрига етиш керак! Илоҳим, биз кўрган кўнлар ортда қолгани рост бўлсин!

Старшина Васков бошчилигидаги қизларнинг отряди немишларга дуч келади. Душманини

тўхташиб қолиш шарт эди. Аёвсиз жангга қизлар мардонавор курашиб, ҳалок бўлади. Фақат старшина тирик қолиб, у уруш тугагач, доворак қизлар хотира-синга ёлғорлик ўрнатади.

Самдолим АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

## 1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузганлик учун қонунчилигимизда қандай жавобгарлик чоралари назарда тутилган?



Қолирали ҲАБИБУЛЛАЕВ  
Зангиота тумани

Саволга ҳуқуқшунос Асрор ЭРҒАШЕВ жавоб беради: — Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Шунга қўра, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда

жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Бундан ташқари, кодекснинг 49-3-моддасида айтилишича, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўлаш бўйича мажбурий тўлаш бўйин товлан — ман-

## САВОЛГА 1 ЖАВОБ

сабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148-моддасида ҳам муайян жазо чоралари белгилаб қўйилган. Хусусан, ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини қасдан бажармагани учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, худди шу қилмишни содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Яъни, унга энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилиши мумкин. Худди шу чора аёлнинг ҳомиладорлиги ёки ёш болани парварош қилаётганини бида туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатганлик учун ҳам татбиқ этилади.

(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

## САТРА ОРТДА ҚОЛГАНИ РОСТ БЎЛСИН!

Озода ХҲҲАЙРОВА

Ҳар тонг куёшни қарши олар эканман, осуда ўтган ҳар кунимга шўқрона айтаман. Айни дамда кўкда эркин парвоз этаётган қўшлар ҳам нурафшон кўнлар ва тинчлик надиасидан Яратганга ҳамма айтаётгандек туюлади... Уруш... биргина шу сўзнинг ўзи киши қалбини ларзага солади. Ўтган асрнинг қирқинчи йиллари. Иккинчи жаҳон уруши. Бутун инсоният қалбининг оғриқли тугуни. Унда қанчадан-қанча тақдирнинг изтироби, армони мужассам. Ҳар куни ўзим таҳсил олаётган билим юртига, сўнг кутубхонага йўл оламан. Ўқиб-излангим, кўпроқ билимли бўлгим келади. Ана шу изланишлар давомида қўлимга "Қатагон қўрбонлари" китоби тушди.

Уни мутолаа қилгандан сўнг уша давр ҳаёти ҳақида кўпроқ билишни истадим. Бобомдан Иккинчи жаҳон уруши ҳақида сўрадим. У бир дам хаёлга толиб, ўзига-ўзи сўзлаётгандек ҳикоясини бошлади: — Уруш инсоният бошига келган офат бўлди. Минглаб ўзбек йигитлари жанггоҳдан қайтиб келмади. Уруш йиллари ҳар куни тонг чоғи чорбоққа йўл олардим. Манзилга етти-онимча, қулоғимга аёлларнинг дод-фигони, бўғиқ овозда йиғлагани эшитилиб, қалбим ларзага келарди. Афсуски, ҳар тонг кимдир ўғлидан, ака-укаси билан ёки ёридан айриларди... Эҳ болам, осуда кўнлар қадрига етиш керак! Илоҳим, биз кўрган кўнлар ортда қолгани рост бўлсин!

МУАССИС  
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ  
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар  
Рўзиев Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хурид Уктамжонович  
Навбатчи  
Абдурахмон Жўраев  
«YOSHLAR OVOZI» дан материалларни кўчириб босиб тахририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нархда.  
Буюртма Г-536  
Адапти — 22178  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Тошқирилди — 21.30  
Ўза язуни — 19.30  
Офсет усулида босилган.